O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 311299

Болаларга совғалар

Юртимизда яқинлашиб келаётган Янги йилга тайёргарлик қизғин бормоқда. Ўзбекистон Бадиий академияси ва Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси биргаликда болажонларимизнинг арча байрамини қизиқарли ўтказиш мақсадида ҳайрия тадбири ўтказишга тайёрланмоқда. Тадбирга пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйларининг иқтидорли тарбияланувчилари таклиф этилади. Арча, турли-туман ўйинчоқ ва безаклар «Совпластитал» қўшма корхонасида тайёрланган.

Таниқли мўйқалам усталари билан учрашув, «Табиат ва рассом» кўргазмаси билан танишув, ҳаваскор рассомлар ўртасида «тезкор» танлов ҳам ўтказилади. Арча атрофида эса Қорбобо ва Қорқиз болаларни қувонч билан кутиб олади.

(Ўз мухбиримиз)

Хорижга сифатли тола

Каттақўрғон тумани пахтани қайта ишлаш корхоналарида иш ҳар қачонгидан қизғин. Пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти жамоаси бу йил қабул қилиб олинган қарийб 40 минг тонналик ҳосилни қайта ишлаб, хорижга жўнатмоқда. Жаҳон андозаларига жавоб берадиган сифатли тола тойлари Россия, Швейцария, Италия ва АҚШга жўнатилмоқда. «Ишни уч сменада ташкил этганмиз, — дейди жамият раиси Назарбек Орзиев. — Сифатли хомашё пахтакорларга мўмай даромад келтирмоқда».

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Газетхон пойтахт

Тобора кўркамлашиб, қиёфаси ўзгариб бораётган Тошкентда ҳам келаси йил учун турли нашрларга обунани вақтида расмийлаштириш давом этмоқда. Хусусан, Чилонзор туманида 210 та «Ўзбекистон овози», 315 та «Голос Узбекистана» газеталарига обуна бўлинди. Сирғали туманида эса «Ўзбекистон овози» учун обуна бўлганлар 325 тадан ошиб кетди. Айни кунларда пойтахтликлар «Ўзбекистон овози» газетасига обунани расмийлаштиришда ўзига хос ибрат кўрсатмоқдалар. Обуначилар сони 1215 тадан ошди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Маънавият — қудратли омил!

Бухоро. Жорий йилнинг 21 декабрида бу ерда Ўзбекистон ХДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдулҳафиз Жалоловнинг вилоят сайловчилари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Турли давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллалар вакиллари иштирок этган учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Бухоро округи комиссияси раиси К. Муқимов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Ўзбекистон ХДП Бухоро шаҳар кенгаши биринчи котиби Р.Козимова унинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Абдулҳафиз Жалолов йиғилганларни ўз сайловолди дастури билан таништирар экан, пировардида шундай деди:

Мен ҳар гал Бухорога келсам, ўз юртимнинг кўҳна тарихи китобини варақлаётган, унинг, кўплаб воқеаларнинг гувоҳи бўлган, беназир обидаларининг ҳикояларини тинглаётгандай сезаман. Бекорга Машриқу Мағриб мамлакатларида яшаётган ватандошларимизнинг аксарияти ўзини ал-Бухорий, деб атамайди. Бекорга Ўзбекистонга кўплаб келаётган хорижий меҳмонлар Бухорони зиёрат қилишга ошиқмайдилар. Бу азим шаҳарнинг руҳи ноёб, тупроғи тўтиё, деб бежиз айтилмаган. Ривоятларга қараганда, соҳибқирон Амир Темур муҳим ғарбий юришлари олдидан ўз қўшинларини Бухоро кўчаларидан атайин ўтказганки, шаҳарнинг чанги аскарларнинг устига ўтириб, уларга жангда мадад бўлсин.

Ҳа, Имом ал-Бухорий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний каби, кўплаб донишманду маърифатпарварларни, оқилу фозилларни етиштирган Бухоро шундай мукаррам ва муқаддас юртдир!

Мустақиллик шарофати билан ёши 2500 йилдан ошган Бухоро, қаддини тиклаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларда ўз ўрнини топди. Республикамизда бозор иқтисодиёти негизида рўй бераётган ўзгаришларни Қорақум барханлари бағрида қурилган, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводисиз, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда тузилган ўнлаб қўшма корхоналарсиз, бухоролик пахтакорлар, ғаллакорлар, чорвадорларнинг салмоқли ютуқларисиз, зиёлиларнинг жамиятни маънавий янгилаш ишига қўшаётган улушисиз тасаввур этиш қийин.

Биз бу тақдиршумул ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси республика Президенти И.А.Каримов эканлигини тан олиб, Ислом Абдуғаниевич мустақил Ўзбекистонимизнинг, ислоҳотчилик, бунёдкорлик ишларимизнинг, суверен давлатимизнинг бетакрор тимсолига айланганлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Уларнинг халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ҳурматига сазовор бўлганликлари шубҳасиз.

Шундай экан, нега Ўзбекистон Халқ демократик партияси республика Президентлигига муқобил номзод кўрсатди? — деб сўрашингиз мумкин. Бунга бизнинг жавобимиз қуйидагича:

— Маълумки, мустақил Ўзбекистон ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, уни амалга ошириш йўлидан оғишмай бормоқда. Яқинда бўлиб ўтган давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайловлар бундан далолат беради. Чунки, бутун дунёда эътироф этилган меъёрлар асосида ўтадиган сайлов демократиянинг асосий талабларидан биридир. Албатта, ҳар қандай сайлов ҳам демократиядан далолат бера олмайди. Аммо сайловсиз демократия бўлмайди. Зеро, халқнинг сайловда ифода этилган чинакам хоҳиш-иродаси орқали шаклланган давлат ҳокимиятигина демократик ҳокимиятдир.

Шу билан бирга, сайлов жараёнида ҳар бир фуқаро турли сиёсий партия ва ҳаракатлар томонидан кўрсатилган номзодлардан бирини танлаб, унга овоз бериш имкониятига эга бўлмоғи керак. Бу қоида давлат ва унинг ижроия ҳокимияти бошлиғи сайловига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Партиямизнинг III Қурултойи шуларни ҳисобга олиб ва қонунларга асосланиб, Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловларда ўз номзодлари билан иштирок этишга қарор қилди. Мақсад — сайловчилар учун номзодларни танлаш имкониятини яратиш орқали мамлакатимизда тобора чуқурлашаётган демократик жараёнлар боришига жиддий ҳисса қўшиш.

Партиямиз республика Президентлигига муқобил номзод кўрсатар экан, мамлакатимиз танлаган ислоҳотлар стратегиясини бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлашини таъкидлаб, шу билан бир қаторда, ривожланишимизнинг ҳозирги босқичида уни давом эттиришнинг усул ва воситалари хусусида ўзининг ўзгача қарашлари, баъзи бир фикр-мулоҳаза ва таклифлари борлигини ҳам очиқ айтмоқда.

Шундан сўнг номзод ўз дастурида илгари сураётган ғоялар, сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоиёт ва маънавият соҳасида мамлакат олдида турган вазифалар хусусида сўзлаб, барча долзарб масалаларнинг ечими, уларнинг муваффақиятли ҳал этилиши, кўп жиҳатдан, маънавиятга боғлиқлигини таъкидлади.

Масалан, фуқароларнинг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтирмай, жамиятда қонун устуворлигига эришиш, демократик қоидаларни тўла жорий этиш мумкинми? Буларсиз жамият аъзоларининг сиёсий фаоллигини тасаввур қила оласизми? Фуқаролар сиёсий лоқайд ва бефарқ бўлсалар фуқаролик жамияти қандай қилиб қарор топади? Ёки кишиларда бозор муносабатларига монанд янги иқтисодий тафаккур шаклланмаса, уларни боқимандалик кайфиятидан халос қилиш, юртдошларимизда мулкдорлик фазилатларини шакллантириб, ўз кучига ишониш, имкониятларини ҳисобга олиб, ҳаракат қилиш кўникмаларини ҳосил этиб бўладими? Ёки она юртнинг бой тарихини билмай, аждодлар қолдирган бебаҳо маънавий дурдоналарни ўзлаштирмай, Ўзбекистонимизнинг иқтисодий, маданий ва илмий салоҳиятини тасаввур этмай, унинг келажаги буюклигига, бугунги ислоҳотлар шу келажакни яқинлаштиришга қаратилган эканлигини тушунмай Ватанни самимий севиш, унинг равнақи йўлида самарали меҳнат қилиш, зарурат туғилса, унинг учун жонни фидо қилиш мумкинми?

Ўйлайманки, бу саволларнинг барчасига сиз «ЙЎҚ», деб тўғри жавоб берасиз ва уларни ечишнинг калити маънавият эканлигини яхши тушунасиз, деди нотиқ. Чунки, сиз биласизки, қадимда Бухоронинг иқтисодий ва маданий равнақини таъминлаган, уни "дини ислом қуввати" сифатида етти иқлимга танитган ҳам юксак маънавийлик бўлган.

Биз тарихимизнинг ана шу саҳифаларидан сабоқ олиб, эндиликда, миллий истиқлол маънавиятини шакллантиришимиз, ҳар бир фуқаро, айниқса, ҳар бир фарзандимизнинг маънавий камол топиши учун барча шарт-шароитларни муҳайё этишимиз зарур. Шунинг учун сайловолди дастуримизда таълим тизими ислоҳи, ўқув юртларини молиялашни яхшилаш, илм-фаннинг аҳамиятини ошириш, ёшларни меҳнатсевар, ватанпарвар, изланувчан қилиб тарбиялаш, халқимизнинг қадимий анъаналарини тиклаш билан бирга умуминсоний қадриятлардан ҳам кенг фойдаланиш масалаларига жиддий эътибор берилди.

Номзод ислом динига муносабати масаласига махсус тўхталиб ўтди. Чунки Бухорода бўла туриб, бу ҳақда гапирмаслик мумкин эмас. Мустақиллик йилларида халқимиз маънавий меросининг таркибий қисми, унинг дунёқараши ва турмуш тарзининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган ислом динининг жамиятимиздаги ўрни тикланди. Фуқароларнинг ўз диний эҳтиёжларини қондиришлари учун барча имкониятлар яратиб берилган.

Лекин, кейинги йилларда ислом дини ниқоби остида миллий мустақиллигимиз, конституциявий тузумимиз, турмуш тарзимизга таҳдид солувчи ақидапараст жангарилар пайдо бўлгани ҳам сир эмас. Жаҳолатпарастларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари ўта хавфли эканлигини, халқимиз Тошкент, Қирғизистон жанубидаги Боткент ва Янгиободдаги қонли воқеалар мисолида яхши билиб олди.

Биз диндорларнинг эътиқодларини ҳурмат қилар эканмиз ҳақиқий дин билан ёвуз ниятли сиёсийлашган диний оқимларни фарқлаш ҳамда диний экстремизмнинг барча кўринишларига қарши қатъий кураш олиб бориш тарафдори эканлигимизни сайловолди дастуримизда очиқ ойдин айтмоқдамиз.

Айни пайтда, ислом дини қоидалари ва моҳиятини яхши тушунмайдиган ёшларимизни ақидапарастларнинг хатарли таъсиридан асраш, уларга, дунёвий илмлар билан бир қаторда, ислом асослари тўғрисида ишончли маълумотлар беришнинг аҳамияти катта, деб ҳисоблаймиз.

Йиғилишда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти кафедра мудири Х.Саломова, Бухоро тиббиёт институти IV курс талабаси А.Нарзиев, Когон туманидаги 5-мактаб ўқитувчиси Б.Комилова, Бухоро давлат университети кафедра мудири М. Атоева, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бўлимининг раиси И. Жумаевлар сўзга чиқиб, вилоятнинг барча сайловчиларини 2000 йил 9 январда бўлиб ўтадиган сайловда фаол иштирок этишга чақирдилар.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 23 декабрь, пайшанба • № 151 (25.546).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ислом Каримовнинг қашқадарёлик ва самарқандлик сайловчилар билан учрашувлари

Фидокорлар миллий-демократик партиясидан Ўзбекистон Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримов 21 декабрь куни Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Президенти сайловини ўтказувчи 13-Қашқадарё округ сайлов комиссиясининг раиси Назар Ҳакимов очди.

Ислом Каримовнинг ишончли вакили — Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов йиғилганларни Президентликка номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. У Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришишида, мустақиллик йилларида мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилишида, маънавий қадриятларимизнинг тикланишида, жаҳон ҳамжамиятида давлатимизнинг обрў-эътибори ортиб боришида Ислом Каримовнинг хизматлари катта эканлигини таъкидлади.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Қашқадарё — мамлакатимизнинг кўплаб табиий заҳиралари жойлашган ҳудудларидан бири. Улкан имкониятларга эга бўлган, гўзал ва бетакрор, Оллоҳнинг назари тушган макон. Ўз юртини обод этиб, шу воҳага садоқат билан яшаётган мард ва жасур инсонлар Ватанидир, деди Ислом Каримов.

Йўлбошчимиз кейинги йилларда вилоятда 60 га яқин саноат корхонаси барпо этилганини қайд этиб, бундай иншоотларнинг қуриб ишга туширилгани нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Барпо этилаётган Шўртан газкимё мажмуи мамлакатимиз халқ хўжалиги, умуман иқтисодий салоҳиятимиз юксалиши учун алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бу корхона бир йилда 125 минг тонна полиэтилен хомашёси, 103 минг тонна конденсат ва 142 минг тонна суюлтирилган газ маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Корхона қурилишига АҚШ, Германия, Япония, Италия ва бошқа давлатларнинг нуфузли компаниялари жалб этилиб, 1 миллиард 300 миллиондан кўпроқ АҚШ доллари миқдоридаги сармоя сарфланиши кўзда тутилган.

Ислом Каримов мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигини таъминлашда қашқадарёликларнинг жуда катта ҳиссаси борлигини таъкидлади. Бу йил 505 минг тоннага яқин дон етиштириб, давлатга ғалла сотиш шартнома режасини шараф билан бажарган вилоятнинг заҳматкаш деҳқонларига чин қалбдан ташаккур изҳор этди.

Бу ютуқлар билан бирга, Ислом Каримов Қашқадарё пахтакорларининг сўнгги икки йил давомида белгиланган марраларга эриша олмагани сабабига тўхталиб, буни аввало, олиб борилаётган ислоҳотларнинг иш услубимизга етарли даражада амалий таъсир кўрсатмаётгани билан изоҳлади.

Бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида гапирар экан, Ислом Каримов, аввало, мулкдорлар сафини кенгайтириш, уларга ҳар томонлама йўл очиб бериш, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бу соҳадаги сиёсатнинг бош йўналиши, мазмун-мақсади эканлигини айтиб ўтди.

Мен ҳаётимнинг мазмунига айланиб кетган бир гапни сизнинг ҳузурингизда яна такрорламоқчиман, деди пировардида Ислом Каримов. Мен учун Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан ўзга олий саодат йўқ.

Сайловчилар билан учрашувда сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Соиб Усмонов, Қарши шаҳридаги академик лицей ўқитувчиси Муҳаббат Шаропова, Қарши туманидаги фермер хўжалиги раҳбари Лев Ким, Қарши Давлат университетининг талабаси Наргиза Мадатова, Касби туманидаги Ҳ. Хўжақулов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Эргаш Турсунқулов номзоднинг инсон ва раҳбар сифатидаги фазилатлари, мустақил юртимизда рўёбга чиқаётган буюк орзуларимиз бевосита унинг номи билан боғлиқлиги тўғрисида гапирдилар. Вилоят аҳлини 2000 йил 9 январда ўтадиган Президент сайловида Ислом Каримов учун овоз беришга чақирдилар.

* * *

Шу куни Ислом Каримов Қарши шаҳридаги Сайилгоҳ мажмуи, темирйўл шоҳбекати майдонидаги ҳиёбонни бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари бундай масканлар халқимизнинг севимли оромгоҳларига айланиши кераклигини айтиб, бу ерда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кўламини кенгайтириш лозимлигини уқтирди. Қарши шароитида кўкаламзорлаштиришга эътиборни кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Фидокорлар миллий-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримов 22 декабрь куни Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг раиси Рустам Холмуродов очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, республика «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими масъул котиби Сайимназар Каримов учрашув қатнашчиларини Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. Нотиқ ўз сўзида мамлакатимизнинг истиқлолга эришиши, халқимиз орзуларининг ушалиши, юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги яратувчилик, бунёдкорлик ишлари Ислом Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлади.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида кейинги йилларда вилоятда кўптармоқли саноат ривожи билан бирга, қишлоқ хўжалиги барқарор суръатларда ўсаётганини алоҳида таъкидлади. Вилоят деҳқонлари пахта ва ғалла тайёрлаш шартнома режаларини сўнгги икки йил давомида биринчилар қаторида бажариб келаётганининг ўзи бунинг яққол тасдиғи ва ифодасидир.

Кейинги йилларда вилоятда мамлакатимиз халқ хўжалигида янги тармоқ ҳисобланган корхоналар барпо этилаётгани хусусида гапирар экан, Ислом Каримов туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «СамКўчАвто» қўшма корхонаси фаолиятига тўхталди.

Вилоятда ўз маҳсулотини дунё бозорига чиқаришни кўзлаб ишлаётган бундай корхоналар оз эмас. Бугунги кунда бу ерда жами 85 та қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Буюк аждодларимиз шавкатининг боқий тимсоли бўлган азим Самарқандни янада обод этиш йўлида амалга оширилган ишларга тўхталиб, Ислом Каримов бу эзгу ишлар ҳали келажак авлодлар томонидан эсланиши, ўзининг муносиб баҳосини олишига ишонч билдирди. Соҳибқирон Амир Темурнинг мақбараси таниб бўлмас даражада ўзгаргани, муҳаддислар султони Имом Бухорий хотирасига улкан ёдгорлик мажмуи бунёд этилгани халқимизнинг, юртимизга ташриф буюраётган меҳмонларнинг таҳсинига сазовор бўлмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари қайд этганидек, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифаларни адо этиш учун, аввало, одамларни уюштириш ва сафарбар этиш юзасидан катта ишларни амалга ошириш лозим. Айни пайтда кўзлаган бу мақсадларимизни рўёбга чиқариш учун, аввало, маблағ, сармоя топишимиз зарур. Даромаднинг манбаи эса, меҳнатни юксак унум ва самара берадиган тарзда ташкил этиш, замонавий ислоҳотларни кенг миқёсда амалга оширишдан иборат.

Бугун халқимиз, мамлакатимиз буюк ўзгаришлар арафасида турибди. Энг қувончлиси шундаки, биз янги асрга озод ва эркин халқ, мустақил ва қудратли давлат бўлиб қириб бормоқдамиз.

Ислом Каримов янги юз йиллик халқимиз учун чинакам юксалиш асри, саодат асри бўлишига ишонч билдирди.

Учрашувда сўзга чиққан Сиёб туманидаги Ислом Каримов таҳсил олган 21-ўрта мактабнинг собиқ директори, 87 ёшли меҳнат фахрийси Ҳалим Абдураҳмонов, Пахтачи туманидаги Р. Маҳманов номли хўжалик ғаллачилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Дўстмурод Абдуллаев, Челак туманидаги Имом ал-Бухорий масжид-мадраса имом хатиби Усмонхон Алимов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Хосият Бобомўродова, Республика халқ артисти Таҳнаберди Қурбонов Ислом Каримовнинг Ватан ва халқ олдидаги улкан хизматларини таъкидлаб, 2000 йил 9 январда сайловчиларни унинг номзоди учун овоз беришга даъват этдилар.

Мусулмон НАМОЗОВ,
Абдужалол ТАЙПАТОВ,
Ҳамза ШУКУРОВ,
ЎзА мухбирлари

Луқма

Қана онун устуворлиги?

Одил суд қарорини бажариш амри вожибдир. Бироқ хатирчилик фуқаро Раҳматилла Исмоилов салкам икки йилдирки, ушбу қарорнинг бажарилишига илҳақ юрибди. Бормаган остонаси, ёзмаган идораси қолмади. Лекин барча урунишлари, саъй-ҳаракатлари Навоий вилояти молия бошқармаси эшикларидан (аниқроғи тўсиқларидан) ўтолмаяпти.

Гапни сал олдиндан бошлашга тўғри келади. Раҳматилла Исмоилов 1980-1985 йилларда Хатирчидаги жамоа хўжаликларининг бирида раис бўлиб ишларди. У раҳбарлик қилган кезларда хўжалик ҳар томонлама юксалди. элга танилди. Аммо 1985 йилда юртимизга бало-қазодай ёпирилган гдлянчилар «пахта иши»га боғлаб уни ҳам қамоққа тикдилар. Тўрт йил ноҳақ ўтириб чикди. 1991 йилда Ўзбекистон Олий суди кўплаб «пахта иши» жабрдийдалари қаторида уни ҳам оқлади. Бухоро вилояти суди эса 1998 йил 30 сентябрда Р. Исмоиловга тергов ва суд органлари айби билан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан ажрим чиқариб, уни ижро этиш учун Навоий вилояти молия бошқармасига юборди.

Шу билан адолатсизлик ва унинг оқибатларига нуқта қўйилди, гўё. Бироқ адолатсизлик чангалидан қутулган Р. Исмоилов энди, юқорида айтганимиздек, тўрачилик тўрларига тушиб қолди. Вилоят молия бошқармаси (бошлиғи М. Исматов) турли важ-карсонлар билан унинг моддий зарарини қоплаш масаласини пайсалга солянти.

— Салкам икки йилдан буён қатнайвериб, чарчадим, — дейди Раҳматилла Исмоилов ҳасратидан чанг чиқариб, — ахир суднинг қарорига ҳам шунчалик беписандлик бўладими?

Суд қарорини менсимаслик, жамиятни менсимаслик, қонунларимизни, давлатни менсимасликдир. Мен шу ўй билан Навоий вилоят молия бошқармасига телефон қилдим.

— Ҳа, Исмоиловга етказилган моддий зарарни қоплаш юзасидан суднинг ижро варақаси бизда мавжуд. Лекин биз уни Молия вазирлигининг рухсатисиз бажара олмаймиз, — деди бошқарма бошлиғи Музаффар Исматов. — Шунинг учун ҳужжатларини вазирлик экспертизасига юборганмиз...

Мулоқотдан англадикки, суднинг қарори Молия вазирлигининг экспертизасидан ўтгач, рухсат берилар экан. Во, ажабо! Биз қайси жамиятда яшаяпмиз ўзи? Суднинг қарорини вазирлик экспертизадан ўтказса, яъни тафтиш этса, бу нима — судга ишончсизликми? Бу ҳолда қонун устуворлиги қаёқда қолди?!

Норбобо ШАКАРОВ

«Саноққа етмаган жўжалар»

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 26 октябрь сонида босилган «Саноққа етмаган жўжалар» мақоласида Қорақалпоғистон Республикасида шоли ўриш техникаларини мавсумга тайёрлашда йўл қўйилган камчиликлар танқид остига олинган эди.

Мақолада кўрсатилган камчиликлар бошқа шоли етиштирадиган вилоятларда ҳам мавжудлигини ҳисобга олиб, 4 ноябрда вазирликда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқларининг механизация бўйича ўринбосарлари, вазирликнинг моддий-техника ресурслари, «Ўзқишлоқхўжтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси ҳамда республика давлат техника назорати мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда шоли ўриш техникаларини мавсумга тайёрлаш ва улардан фойдаланиш ишлари таҳлил қилинди, зудлик билан носоз комбайнларни таъмирдан чиқариш учун керакли эҳтиёт қисмлар етказиб бериш, ишлаётган комбайнларни ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва бошқа ташкилий масалалар бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Носоз комбайнларни тузатиш ва мавжуд комбайнлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган ишларни жойларда ташкил қилиш учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзқишлоқхўжтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасининг бошқарма раҳбарлари ва мутахассисларидан иборат гуруҳлар тузилиб, Қорақалпоғистон Республикасига жўнатилдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликлари ва МТПларида мавжуд бўлган «Енисей» комбайнлари асосан хизмат муддатини ўтаб бўлганлиги, уларнинг унумдорлиги пастлиги ва иш пайтида шолини нисбатан исроф этишини инобатга олиб, Германиядан шартнома асосида 20 дона «Клаас» комбайнлари олиб келиниб, ўримга жалб қилинди. Шунингдек, Хоразм вилоятидан 10 та «Клаас» ва «Нью-Холланд» комбайнлари Қорақалпоғистон Республикасига ўтказилганлиги шоли ўримини сезиларли тезлаштиришни таъминлади. Кўрилган чора-тадбирлар оқибатида қорақалпоғистонлик шоликорлар бултурга нисбатан 40 минг тоннадан ортиқ шолини давлатга сотишга муваффақ бўлдилар.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги республика вилоятларида 2000 йил шоли ҳосилини белгиланган агротехник муддатларда йиғиштириб олиш учун ҳозирдан тайёргарлик ишларини олиб бормоқда.

Деҳқончилик бош бошқармаси бошлиғи
Т. САТТОРОВ

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик

«Ўзсаноатқурилишбанк» — янги аср бўсағасида

Республикамизнинг энг йирик ва тажрибали тижорат банкларидан бири «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг бугунги кундаги иш тамойилини «Банк — мижоз учун» деган шиор белгилаб келмоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк» XXI асрга ўз фаолиятини замон талаблари даражасига етказиш, акциядорлар манфаатларини кўзлаш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва улар билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадларини ўз олдига қўйган ҳолда кириб бормоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг асосий вазифаларидан бири — иқтисодиётнинг базавий соҳаларида кенг кўламдаги инвестицион фаолиятни олиб бориш, чет эл сармояси жалб қилинган йирик инвестицион лойиҳаларни ва Ўзбекистонни ижтимоий ривожлантириш дастурларини молиялаштиришдан иборат. Булар қаторига US-Eximbank кредити ёрдамида ишга туширилган Хўжаобод ер ости газ омбори қурилиши, чет эл банклари консорциуми кредит ҳисобига қурилаётган Шўртан газ-кимё мажмуаси киради.

«Ўзсаноатқурилишбанк» асосан саноат, ёқилғи-энергетика мажмуаси ва бошқа йирик корхоналар, қурилишларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган бўлишига қарамасдан, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлашга ҳам эътиборни кучайтирмоқда. Уларга инвестиция мақсадлари учун миллий ва чет эл валюталарида ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ажратиш ишлари ривожлантирилмоқда.

Айниқса, ўтаётган йил Саноат-қурилиш банки учун жуда омадли келди. Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан олиб борилган ишлар якунига кўра декабрь ойида Тошкентда 15 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси очиш ҳақидаги шартнома имзоланди. Бу — хорижий молия институтларининг Ўзбекистондаги яна бир банкга бўлган ишончидан далолатдир. Мазкур кредит линияси орқали ажратилган маблағлар кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун хизмат қилади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви раиси Ўткур Убайдулаевич Ниғматов мухбиримиз билан суҳбатда банк томонидан олиб борилган ишлар ва режалар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.

— Ўткур Убайдуллаевич, мана 1999 йилнинг якунланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Мухлисларимизга банкнинг мижозлар билан ҳамкорлиги ва йилнинг якуний натижалари қандай бўлгани хусусида маълумот берсангиз.

— Йил охири барча корхона ва ташкилотлар учун ғалвирни сувдан кўтарадиган палла. Банкимиз ҳам ўз фаолияти якунларини хомчўт қилмоқда.

Албатта, банк ўз фаолиятини республикамиз иқтисодий тараққиёти билан узлуксиз боғлиқ ҳолда олиб борди. Шўртан газ-кимё мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, Андижон тўқимачилик комбинати ва республикамиздаги академик лицейлар, коллежлар қурилиши ва уларни молиялаштиришда фаол иштирок этдик.

Умумлаштириб айтганда, йил давомида халқ хўжалигига 53,2 млрд. сўм кредит ажратилди, шундан 30 фоизи узоқ муддатли кредитлардир. Фақатгина Шўртан газ-кимё мажмуасига жорий йилда 14,0 млрд. сўм кредит ажратилди.

Андижон тўқимачилик корхонасининг қурилиш-пайвандлаш ишларини якунлаш ва корхонани ишга туширишни ўз вақтида бажариш учун банк чет эл инвестицияларини жалб қилди. Комбинатни ишга туширишни 2000 йилнинг биринчи чорагига мўлжалланмоқда.

Жорий йилда Андижон вилоятида ер ости газ омбори фойдаланишга топширилди. Ижтимоий ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида банк мижозлари томонидан 3290 ўринли мактаб, 1025 беморни қабул қилишга мўлжалланган қишлоқ тиббиёт муассасалари, 148,7 км. газ ва 63 км. узунликдаги сув қувурлари фойдаланишга топширилди. Банк фақат капитал қурилиш объектларига кредит ажратиш, уларни молиялаш билан чегараланмасдан, универсал банк сифатида барча хизматларни амалга оширади.

Хусусан, корхона ва ташкилотларнинг узлуксиз ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш, савдо корхоналарининг оборотини сусайтирмаслик мақсадида йил давомида банк томонидан 36,5 млрд. сўм, шу жумладан, саноат корхоналарига 29,8 млрд. сўм, савдога 1,3 млрд. сўм, транспорт соҳасига тегишли корхоналарга 1,3 млрд. сўмлик қисқа муддатли кредитлар ажратилди.

Бухоро тўқимачилик комбинати йил бошида ажратилган 182 млн. сўмлик банк кредити ҳисобига пахта хомашёсини йил давомида сотиб олиб, узлуксиз маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлади. «Тошшаҳарйўловчитранс» ассоциациясига ёнилғи-мойлаш материаллари учун ажратилган 600 млн. сўмлик кредит ҳисобига пойтахт аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш бўйича узилишларга йўл қўйилмади. Баққоллик ҳиссадорлик савдо корхонасига ажратилган 530 млн. сўмлик кредит ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари узлуксизлиги таъминланди.

Марказий банкнинг 766-сонли йўриқномасига биноан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 504-сон қарорига асосан хизмат кўрсатилаётган корхона ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчиларини иш ҳақи билан таъминлаш борасида ҳам банкимиз бир қатор ишларни амалга оширди. Фақатгина иш ҳақи учун тармоқларга 9875,6 млн. сўм кредит берилди, шу жумладан, Энергетика вазирлигига 4059,2 млн. сўм, «Ўзбекнефтгаз» компаниясига 2449,3 млн. сўм, Кимёсаноат корхоналарига 1283,4 млн. сўм, «Кўмир» акциядорлик жамиятига 649,4 млн. сўм кредит берилди. Натижада 1 декабрь ҳолатига ушбу тармоқларда иш ҳақи бўйича тўланмаган қарзлар қолмади.

Корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича банк корхона ва ташкилотлар устидан мониторинг ўрнатиб, муддати ўтган ўзаро қарзларни кескин камайтириш ҳамда янгилари пайдо бўлишининг олдини олишда ҳам мижозларга кўмаклашди. Ўзаро қарзларни қисқартириш мақсадида жорий йилда 23,8 млрд. сўм кредит ажратилди, 80,5 млрд. сўмлик ўзаро қарзлар тўланди ёки улар ўсиш суръатининг олди олинди.

— Республикамизда тадбиркорлик тузилмаларига, ўрта ва кичик корхоналарни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Банк бу борада қандай ишларни амалга оширди?

— Хусусий тадбиркорларни нафақат кредит бериш билан қўллаб-қувватламоқдамиз, балки ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда, молиявий маблағларни бошқаришда маслаҳат бериш, лойиҳалар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқарилган маҳсулот маркетингини ташкил этишда ҳам уларга кўмаклашяпмиз.

Шуниси аёнки, банк гавжум муассасадир, яъни турли ташкилот вакиллари хизмат бурчлари юзасидан ҳар куни банкка ташриф буюрадилар. Шу сабабли жорий йилнинг март-май ойларида банк конференц залида мижозларимиз ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмасини ташкил этдик. Натижаси ёмон бўлмади, бир неча шартнома имзоланди.

Кредит ажратиш ҳам яхши: банкимиз ишончини қозонган нодавлат ва хусусий тадбиркорлик тузилмаларига ажратган кредитимиз 1009 млн. сўмдан ошиб кетди!

Ажратилаётган кредитларимиз турли мақсадларга, яъни кундалик эҳтиёж моллари, дори-дармон сотиб олишдан тортиб то ишлаб чиқаришни йўлга қўйишгача йўналтирилган. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга имтиёзли фоизларда кредитлар ажратилмоқда. Масалан, хусусий тадбиркор «Абдуллаинвест»га берган 15 млн. сўм кредитимиз ҳисобидан Хоразм вилоятида парранда гўшти етиштириш ривожлантирилмоқда. Тошкент шаҳридаги «Зангу» корхонасига ажратилган 39 млн.сўмлик кредит ҳисобидан карьерларда ишлайдиган «БелАЗ» русумли юк автомобиллари сотиб олинган, «Вазир-Д» корхонасига ажратилган 8,5 млн. сўм кредит ҳисобига Самарқандда гўшт маҳсулотларини қайта ишловчи ускуналар харид қилиниб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, Муҳаммад-Қодир фермер хўжалигига ажратилган 4 млн.сўм кредит ҳисобига қорамоллар сотиб олинган.

— Саноат - қурилиш банки якунланаётган йилда банк хизматларининг янги турларини ўз мижозларига таклиф этдими?

— Яқин кунларгача республикамизда бир нечтагина банк мижозларга хизмат кўрсатиб келарди ва улар рақобатсиз ишлаганлиги туфайли, бехавотир фаолият кўрсатиб келишарди. Республика ҳукумати тижорат банкларига, шу жумладан, хусусий банкларнинг ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратиб бергани муносабати билан бугунги кунда ўнлаб тижорат банклари кенг қамровли фаолият кўрсатмоқда. Банкларнинг кўпайиши эса албатта, ўзаро рақобатга олиб келади. Чунки ҳар бир банк нафақат ўзи хизмат кўрсатаётган мижозни сақлаб қолишга, балки янги мижозларни жалб этишга интилади. Бунга эришиш учун эса авваламбор ходимларнинг мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти юқори бўлиши лозим. Шу мақсадни кўзлаб, ТАСИС дастурининг «Банк маслаҳат хизмати» гуруҳи билан катта иш олиб бордик ҳамда Бош банк ва филиаллар бошқарув тизимини ўзгартирдик. Шу билан бирга янги хизмат турлари ҳам ташкил этилди. Жумладан, ЎзДЭУ банки билан ҳамкорликда «Виза пластик карточка»лар орқали тўлов хизмати, омонат жамғармаларини жалб этишнинг мижозларга қулай бўлган «Ҳамкор» тури татбиқ этилди. Натижада фуқароларнинг банкка қўйган омонатлари йил бошига нисбатан 50 фоизга ўсди.

Мижозлар билан яқиндан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишимиз, уларга қулайликлар яратилиши, албатта банк фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда, натижада йил бошига нисбатан банк активларининг 45 фоизга, капиталининг 58 фоизга, шу жумладан, Низом капиталининг икки баробар ўсишига эришилди.

Тажриба шуни кўрсатдики, банклар рақобатбардош бўлиш ва барқарорликни таъминлаш мақсадида доимо мижозларга ўз хизматларини арзонлаштиришга, янги хизмат турларини ташкил этишга интилади.

— Жорий йилда банк фаолиятида муҳим ўрин эгаллаган яна қандай ўзгаришларга эришилди?

— Саноат-қурилиш банки учун 1999 йил жуда омадли келди, десак муболаға бўлмайди. Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан 3 йиллик олиб борган ишимиз якунига етиб, декабрь ойида Тошкент шаҳрида 15 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линиясини очиш ҳақида шартномага қўл қўйдик. Шартномага қўл қўйилиши, авваламбор, республикамизда иқтисодий ислоҳотларнинг тўғри йўлдан бораётганлиги ва хорижий молия институтларининг республикамиз банкларига ишончи ошиб бораётганидан далолат беради.

Ушбу кредит линияси орқали ажратилган маблағлар республикамиз иқтисодиётида бозор муносабатларини ва мулкдорлар синфини шакллантиришга хизмат қилади.

Европа банки билан имзоланган кредит шартномаси албатта, биз учун биринчи йирик шартномадир. Бунга қадар мамлакатимиз экспорт потенциалини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида иқтисодиётнинг реал секторига бошқа хорижий банклар инвестицияларини ҳам жалб қилганмиз. Шулар жумласига Швейцариянинг ЮБС ва Олмониянинг Дойче банклари киради.

— Мижозларни 2000 йилда банк томонидан амалга оширилажак ишлар қизиқтиради.

— Келгуси йил режаларимиз катта. Бу энг аввало банкимиз ва мижозларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли бўлган ҳамкорликни янада ривожлантириш, кенг кўламли қулайликлар яратишдир. Булар қаторига Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида қурилаётган замонавий биноларни ишга тушириш, Қарши шаҳрида банк филиали учун янги бино қурилишини бошлаш, қолаверса, Европа Тараққиёт ва тикланиш банки томонидан ажратилган кредитларни тезда ўзлаштириб, янги кредит линиялари очилишига эришиш, «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда ёнилғи-мойлаш шаҳобчаларида тўлов карточкаларини жорий этиш, Низом сармоясини янада кўпайтириб, банкимиз молиявий барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Асосий мақсадимиз республикамизда шаклланиб келаётган мулкдорлар синфини, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини банк кредитлари билан таъминлаб, малакали банк маслаҳатлари бериш, қулай шарт-шароит яратиш орқали уларни қўллаб-қувватлашга қаратилади.

Учрашувимиз янги аср бўсағасида ўтаётганлигидан фойдаланиб, газета мухлисларини ва бутун Ўзбекистон халқини кириб келаётган янги, 2000 йил билан самимий қутлайман. Доимо юртимиз тинч ва осмонимиз мусаффо бўлсин.

Бухоронинг биринчи тилло заёми

Тарих тилга кирди

Бухоро инқилоби тўнтаришидан (1920 йил, 2 сентябрь) сўнг Бухоро мангит амирлигининг сўнгги ҳукмдори Сайид Олимхон амирлик олтин хазинасининг бир қисмини ўзи билан 1921 йилнинг бошида қўшни Афғонистонга олиб кетди. Босқинчилар, қизиллар амирни ўз ватанидан қувдилар. Бухоро амири Сайид Олимхон хазинасининг олтин, кумушлари ва барча қимматбаҳо бойликлари большевиклар томонидан талон-торож қилинди. Қизил қўшин қўмондони М. Фрунзе ва В. Куйбишевлар 1921 йилда биргаликда Бухоро халқ бойлигини Санкт-Петербургга ташиб кетдилар. Халқлар «доҳий»си Ленин бошчилигида НЭП — янги иқтисодий сиёсат Бухорога ҳам етиб келди. Инқилоб тўнтарилишидан хонавайрон бўлган Бухорони бўҳрондан чиқариш учун Бухоро халқ республикасининг бошлиғи Файзулла Хўжаев жонбозлик кўрсатиб ишлади. У инқилоб, гражданлар уруши туфайли вайрон бўлган мамлакат халқ хўжалигини тиклаш, меҳнаткаш халқнинг иқтисодий ҳаётини яхшилаш ниятида ўн йилга (1923-1933 йиллар) мўлжаллаб 3 миллион сўмлик олтин заёмини 1923 йилда чиқаришга муваффақ бўлади. Ўша НЭП даврида халқлар «доҳий»си Сталин Файзулла Хўжаевнинг давлатчилигини баҳолаб «Файзулла Хўжаев зўр иқтисодчи», деган эди.

1923 йил Бухорода чиқарилган 5 фоизли 3 миллион сўмлик тилло заём ўз даврида халқ хўжалигининг ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлганлигига шубҳа йўқ, албатта. Бухоро халқ республикаси тарихида биринчи марта чиқарилган 3 миллион сўмлик тилло заём облигацияси бирлик сифатида — олтин ҳисобида 50 сўм белгиланди. Мазкур заём ички тузилиши жиҳатидан 5 серияга тақсимланиб 10 йилга пул тўланиб чиқарилди. Бу Бухорони мустақил халқ республикаси сифатида сақлаб қолиш учун саъй-ҳаракат эди. Бизнинг шахсий архивимизда сақланаётган, ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган 3 миллион тилло заёмнинг биринчи серияси 1.000. 000 сўм белгиланиб, 2р. 50 тийин облигациядан 400 минг, иккинчи серияси ҳам 1.000. 000 дона 5 сўмлик облигация, учинчи серия 375 минг сўм миқдорида белгиланиб, ҳар бири 10 сўмлик 37500 облигация, тўртинчи серия 375 минг сўм миқдорида бўлиб, ҳар бири 25сўмлик 15 минг облигация, бешинчи серия 250 минг сўм белгиланиб, ҳар бири 50 сўмдан 5000 дона облигация чиқариладиган бўлди. 3 миллион олтин заёмнинг ҳар бир облигациясининг эгаси заём муддати тугагунга қадар ҳар бир 50 сўмга 5 фоиз даромад оладиган бўлди. Заёмнинг ютуқ ўйинлари сармоя капиталидан олинадиган солиқдан озод қилиши кўзда тутилди ва облигациялар бўйича фоизлар ҳар йили 1 январь ҳолатида тўланиши назарга олинган эди.

Бундан ташқари, 1924 йилнинг 1 январидан бошлаб йил давомида ютуқлар тиражи сифатида эгаларига ўн йил давомида қайтариладиган бўлди. Ҳар бир тиражда заём умумий миқдорининг ўндан бир қисми ўйналадиган бўлди. Шунингдек, бир купон бўйича ўн йил давомида белгиланган муддатга қараб 5 фоиз миқдорида ютуқлар тўланадиган бўлди.

Заём қарзларини қайтариш маҳаллий бюджетнинг даромадлари ва сув ҳақи солиғи ҳисобидан амалга ошириладиган бўлди.

Юрт фарзанди, истиқлол чавандози, давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хўжаев ташаббуси ила чиқарилган Бухоро халқ республикасининг тилло заёми маҳаллий бюджет орқали тартибга солиниб, 1924 йилда Марказий Осиёда ўтказилган маҳаллий чегараланишдан кейин ҳам мамлакатнинг молиявий аҳволини яхшилашга, халқ хўжалигининг ўсишига ижобий таъсир этди.

Бир сўз билан айтганда, бундан 75 йиллар (1923 й) аввал Бухоро халқ республикасида биринчи маротаба жорий этилган 3 миллион тилло заём мамлакат иқтисодий тараққиётида муҳим омил бўлди. Бу ўз навбатида Ф. Хўжаевнинг тадбиркорлиги, узоқни кўзлаб иш олиб борганликларидан далолатдир.

Мажид ҲАСАНИЙ, доцент.

Оммабоп қўлланма

Янги нашрлар

2000 йил 9 январь куни мамлакатимизда тарихий воқеа юз беради. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилади. Мазкур сайловнинг қонунлар асосларда ўтиши сайловчиларимизнинг ҳуқуқий билимдонлиги, савиясига боғлиқ. Зотан, ҳуқуқий жамиятда қонун ижодкорлиги ва мавжуд қонунларга шарҳлар ёзиб бориш тажрибаси ҳаётда ўз самарасини бериши табиий ҳолдир. «Ўзбекистон» нашриёти шу кунларда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга шарҳлар» китобини нашр этди. Таниқли ҳуқуқшунослар Озод Хусанов, Атабой Дўсчанов, Нуриддин Исмоилов ва Ёркин Муҳамедов томонидан тайёрланган мазкур тўплам «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг мазмунмоҳиятини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Тўплам беш бобдан иборат бўлиб, мазкур қонундаги ҳар бир модда атрофлича таҳлил этилган. Мамлакатимиздаги барча сайлов округлари ҳамда участкаларида Президент сайловларини ўтказишга тайёргарлик кўриш, сайловолди ташвиқоти ва бошқа жараёнлар ҳақида ҳам тавсиялар берилган.

Ўйлаймизки, сайлов арафасида ушбу тўплам нафақат ҳуқуқшуносларда, балки барча сайловчиларда, кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотади.

Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази

Янги йил базми

Янги 2000 йил кириб келишига ҳам саноқли кунлар қолди. Республикамиз аҳли янги йилни ўзгача қувонч, байрамона кайфият билан кутиб олмоқда. Тошкент телевидениеси жамоаси ҳам қизиқарли дастур устида иш олиб бормоқда. Унга истеъдодли режиссёр Зокир Қаюмов бошқош. Ушбу дастур янги йил арафасида телетомошабинлар ҳукмига ҳавола қилинади.

Суратларда: Янги йил базмидан лавҳалар.

Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар

ДУНЁ ДАРЧАСИ
КЕЧА БУГУН ЕРЛАЖАК
дунё ўзгаришлари
кундолик
ҳаёт
сиёсий нуқтаи
оламда нима гап?
оламдаги ҳодисалар
спорт
шарҳ
ҳаёт
ҳаёт
ҳаёт

Янги— 2000 йилингиз қутлуғ бўлсин!

«Бухороёғ» ҳиссадорлик жамияти жамоаси

серқуёш Ўзбекистон халқини Янги йил тантаналари билан қизғин ва самимий муборакбод этади!

Одатда инсонлар ҳамиша Янги йилни катта умидворлик билан қарши оладилар. Шу билан бирга ўтаётган йилда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қиладилар. Шу жиҳатдан олганда корхона жамоаси 1999 йилдан миннатдор бўлса арзийди. Бинобарин, якунланаётган йилда жамоада кўплаб халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, эл дастурхонига тортиқ этиш борасида муайян ютуқларга эришилди. Режалар ортиғи билан уддаланди.









Ният – Соғлом авлод йилида муваффақиятларни кўпайтириб, халқимизга экологик жиҳатдан тоза ўсимлик ёғларини етказиб бериш.

Барча юртдошларимизга омад, шодлик, бахт-саодат, тинчлик, сиҳат-саломатлик ва фаровонлик доимо ҳамроҳ бўлсин!

Қуёш ҳеч қачон ботмайди

Навбатдаги кўрсатув бошланди. У курсини телевизорга яқинроқ сурди. Кўзларини экрандан узмай, қўлини ўнг қулоғи орқасига елпана қилиб олди. Чеҳраси ёришди. Бир оздан сўнг қош-қабоғи ўйилди. Шу зайлда ўтира берди. Дастур ниҳоя топди. У ўрнидан турар экан: «Болада тажриба кам кўринади. Ҳали хом жойи кўп. Матн билан тасвир «ейишмабди»...» — дея ғудраниб қўйди.

— Уста ака, нимаси ёмон? Яхшику, — унга гап қотдик.

— Иморат ва бешик учун вояга етган тол ва теракни кесишибди. Қадимий миллий удумга амал қилиниб, ўрнига ёш ниҳоллар ўтқазилгани ҳақида гап боряпти. Тасвир иморат ва дарахтнинг ўзи билан чекланиб қолган. Агар ёш кўчатлар-у бешик ҳам экранда ўз ифодасини топганда эди кўрсатув қулинг ўргилсин бўлар эди. Эринчоқлик қилибди, ялқовнинг иши шундоқ ҳамиша хом бўлади... — дея лабларига сигарета қистирганча эшик сари йўнали.

Орамиздаги одамлар

Унинг асли исми-шарифи Мирсидиқ Устабобоев. Телевидениеда бу кишини ҳамма «Уста ака!» дейди. Кўпчилик ёшлар ҳатто бу кишининг исмини билмайди ҳам. Аслида, Мирсидиқ ака ўз касбининг маҳнуни, устаси, ҳамда ёшларга беғараз устоз бўлгани учун ҳамма уни «Уста ака!» деб кўя қолади.

Республика ойнаи жаҳонида ҳамма билган, ҳамма таниган, ҳамма учун қадрдон «Уста ака» номини биз ҳам Мирсидиқ деб атаб «Америка очиш»га уринмадик. Эл таниган ва эл билган ном билан ёзишга қарор қилдик.

— Уста ака, агар сир бўлмаса, режиссёрлик касбини танлашингизга туртки бўлган нарса нима? — Мухбирлар минг йилдан буён қўллайдиган савол билан юзланамиз.

— Ўзим Чинозликман... Худо умр берса бу йил 65 га тўламан. Мана шу касбнинг этагидан тутиб иш бошлаганимга бу йил 40 йил тўлибди. Бу касбдан бировнинг миллионер бўлиб кетибди, ёки очидан кўчада гадойлик қилиб юрибди, деб эшитган жойим йўқ. Бу касб фидоийлик холос.

Дастлаб 1952 йилда Чиноз туман газетасида суратларим, кичик-кичик хабарларим тез-тез чиқиб турарди. Орадан икки йил ўтиб Тошкент вилояти газетаси ташкил этилди. Бу газетада ҳам жамоатчи мухбир сифатида хабар ва суратларим билан қатнаша бошладим. Кейинчалик бутун республика газеталари билан алоқа ўрнатдим. Бу орада Театр-рассомлик ва санъат институтига ўқишга кирдим, ўқишни тамомлаб, Янгийўл шаҳридаги Маннон Уйғур номли мусиқали драма театрида режиссёрлик қила бошладим. Суратчилик ишқи мени яна пойтахтга етаклади. Кунларнинг бирида ёзувчи Худойберди Тўхтабоевни учратиб қолдим. У билан таниш эдик. Менинг сурат олишга ишқибозлигимдан хабардор эди. Телевидение очилганини, суратчи-тасвирчи кераклигини айтиб қолди. Телевидениега келдим. Мен истаган ўрин банд экан. Ҳозирча режиссёр ассистенти бўлиб ишлаб туришни таклиф этишди. Рози бўлдим. Ижтимоий-сиёсий бош муҳарриятида иш бошладим, кейинчалик режиссёрликка ўтказишди.

1956 йил 20 ноябрь куни илк бор менинг Сирдарё туманидаги Охунбобоев номли хўжалик раҳбари Назира Йўлдошева ҳаётидан тайёрланган суратли лавҳам берилди. Аста-секин телевидение такомиллашган сари бу ердаги кадрлар ҳам шакллана борди. 1962 йилнинг бошларида «Олтин водий» кўрсатувини ташкил этдик. Бу кўрсатув 3,5-4 соат тўғридан-тўғри эфирга узатилар эди. Мен шу кўрсатувнинг режиссёри бўлганман. 1963 йилда қишлоқ хўжалик ходимлари учун қозоқ тилида кўрсатув тайёрлаш топширилди. Ишончни оқладик. Биз бошлаган кўрсатув «Замандас» дастурига айланди. 1973 йилда телевидение тарихида ҳали рўёбга чиқмаган бир ишга қўл урдик. Режиссёр Аҳмаджон Иброҳимов билан ҳамкорликда илк бор «Тошкент-Ургенч» телекўпригини тайёрлаб эфирга бердик...

Ҳа, Уста ака ҳаётида айтса арзигулик, ёшларга ибрат бўладиган воқеалар талайгина. Агар таъбир жоиз бўлса, инсон умри бир жиҳати билан боғбонга ўхшаса, яна бир қирраси билан ниҳолга менгзалади. Ниҳоллик жиҳати — уни камолга, вояга етказган устозлари-боғбонлари олдидаги қарздорлик. Боғбонлик жиҳати эса ёш ниҳолларни, яъни шогирдларни турли офатлардан асраб-авайлаб вояга етказиш бурчи. Мана шу икки нисбат оралиғида умр деган тушунча ўз ифодасини топади. Уста ака таниқли тележурналист Рўзивой Қўлдошев билан узоқ йиллар ҳамкорлик қилди. «Ватанни севмоқ иймондандир» кўрсатуви халқ ичида илиқ гаплар айтилишига сабаб бўлди. Энг муҳими уста режиссёр тележурналист дилидагини тўғри англай олди. Рўзивой хоҳлаган тасвирларни топа билди. Шу боис кўрсатув мазмунли ва анча пишиқ бўлиб эфирга узатиларди.

Уста аканинг устозлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари Бобо Хўжаев, Мақсуд Юнусов, Евгений Кастерия, Викторина Райкона...

Мана шу бағри дарё инсонларнинг меҳр булоғидан сув ичди. Режиссёрлик ҳақиқий санъат эканлигини ҳис этди. Идрокига сингган бу туйғу умрига йўлдош бўлди.

Ижодда ҳам худди полвонлардек куч синалади, беллашилади. Зарур бўлса ўрганилади, зўрига қойил қолинади. Режиссёрлар Маҳкам Муҳамедов, Қўзижон Ҳакимов ижодларига Уста ака ҳавас қилади.

Тинимсиз изланиш ва меҳнат туфайли у киши режиссёрлик қилган «Олтин водий», «Ўзбекистон чорвадори», «Сомон йўли», «Келажак уфқлари», «Бир келиб кетинг, қишлоғимизга» , «Ватанни севмоқ иймондандир», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» сингари ўнлаб кўрсатувлар телетомошабинлар кўнглидан жой олди. Ишни оддий режиссёр ассистентликдан бошлаган Уста ака узоқ йиллар Ижтимоий ва Сиёсий таҳририятда бош режиссёрлик қилди. Ҳолини билган хоримас экан. У киши ўз ҳолини билди. Аҳволини раҳбарларга тушунтирди. Ариза берди, ҳозирги кунларда эса олий тоифали режиссёр Уста ака «Маърифат» Бош муҳарририятида меҳнат қиляпти. Бугун Уста ака ҳақида — камтарин, фидоий ЎзТВда обрў топиб, тилга тушган Мирсидиқ Устабобоев ҳақида имкон даражасида сўзладик. Ўз ишига содиқлик билан ёшлар даврасида ёшариб, кексаликда имонини йўқотмай бу машаққатли ишида бардош бериб фаолият кўрсатаётган инсон ҳақида бошқалар ҳам бирор сўз айтар. Имонимиз комилки, Уста ака ҳақида барибир илиқ гаплардан сўзлайдилар. Муҳими шу!

Кўчқор НОРҚОБИЛ,
Очил ТОҲИРОВ.

Суратда: *иш жараёни. Уста ака ҳамкасблари Дамира Қурбонова, Маъмура Муҳаммаджонова ҳамда Фарҳод Бобожоновлар даврасида.*

«5-саҳифа»

Ҳурматли газетхонлар! Бугундан бошлаб «5-саҳифа» рукнини жорий этишга қарор қилдик. Унда газетамизнинг тўрт саҳифасига «сиғмай» қолган баъзи мақолалар, ҳангомалар, хабарлар жойлаштирилади. Таҳририят улардаги далилларнинг тўғри ёки нотўғрилигига кафолат беролмайди. Чунки ушбу мақолалардаги воқеаларга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай қоласиз. Масалан:

Қўлини куйдириб олди

Пойтахтимизнинг Чорсу маҳалласи, Самарқанддарвоза кўчасидаги 8-уй, 32-хонадонда яшовчи фуқаро Зулфия Султонова рўзғор юмушларини бажара туриб бехосдан иситиш батареясига тегиб кетди ва .... қўлини куйдириб олди. Батареялар чандон қизиб кетгани сабабли бояқиш уй бекаси қўлининг тангадай жойидан териси шилиниб тушди. Учинчи даражали куйиш олган бўлса-да Зулфияхон хафа эмас — уйи яхши исиётганидан мамнун. Чунки қўшни кўпқаватли уйдаги аҳоли совуқдан хонадонларида пўстин кийиб ўтирган бир пайтда тангадай жойи куйса куйибди-да. Шунинг учун уй бекаси тиббий ёрдамга ҳам мурожаат қилиб ўтирмади, куйган қўлига «маз» суркаб қўя қолди.

Навбат зовур сувига

Жиззах вилоятининг Арнасой туманидаги «Самарқанд» ширкатлар бирлашмаси аҳолиси водопровод сувининг таъмини аллақачон унутиб қўйишган. Хўжалик қўрғони ёнидан оқиб ўтувчи канал аҳолининг корига яраб турибди. Маҳаллий шифокорларнинг гувоҳлик беришича, бу аҳоли ўртасида ўткир ошқозон-ичак ёки бошқа бирон жиддий юқумли касалликлар тарқалишига олиб келмаган. Ҳатто илгари — водопровод суви бор кезларда — кенг тарқалган сариқ касаллиги йўқ бўлиб кетибди. Бир ёмоннинг бир яхшиси бор, деб бежиз айтишмас экан-да.

Яқинда «самарқанд»ликлар учун янада жиддийроқ имтиҳон бошланди. Каналда сув беркитиб қўйилгани сабабли улар зовур сувини ичишга ўтдилар. Қани кўрайлик-чи, энди бу ерда қайси касалликлар йўқ бўлиб кетар экан?

«5-саҳифа» учун масъул:
Бобо САРОЙИ

Азиз муштарийлар! Сизлар ҳам юқоридагига ўхшаш гоҳ ишониб, гоҳ ишонмайдиган воқеаларга дуч келсангиз ёки эшитсангиз, марҳамат, бизга ёзиб юборинг, «5-саҳифа» хабарингизга мунтазир.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Равшан ШОДИЕВ*, навбатчи *Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ.*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000004 Газета офсет усулида. А—2 форматда. 16.512 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0985

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«RASTR» журналига обуна бўлинг!

Мустақил Ўзбекистонимизда янги замонавий нашр — **«RASTR»** журнали дунёга келди. Унинг дастлабки икки сони босмадан чиқди. Бу журнал матбаачиликнинг энг замонавий машиналари, технологияси, ноширчилик, компьютер ишлари, дизайн ҳақида ҳикоя қилувчи ягона журналдир. Кимда ким шу соҳаларга қизиқса обуна бўлишни унутманг.

«RASTR» ҳақиқатан ҳам XXI аср журнали. У ўзбек ва рус тилларида чоп этилмоқда. «RASTR» — якка обуначилар учун — Индекс 1059 «RASTR» — ташкилотчилар учун — Индекс 1060

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Си-Эй Энтерпрайз» қўшма корхонаси Низом фонди камайганлигини маълум қилади.
Маълумот учун телефонлар: 60-04-02, 60-09-13.

Услуби бетакрор эди

Шатранж оламида

Бу ёғи Ҳиндистону у ёғи Жанубий Америкагача ўзбек шахматининг шуҳратини овоза қилган Ўрта осиёлик биринчи гроссмейстер Георгий Аъзамов ҳаёт бўлганида 45 баҳорни кўрган бўларди. Шу муносабат билан Республика шахмат федерацияси унинг хотирасини ёд этишга бағишланган тадбир ўтказди. Олимпия шон-шуҳрати музейида гроссмейстернинг босиб ўтган йўли ҳақида дил сўзлари айтилди.

Тошкент тиббиёт институтини эндигина битирган Тожихон Аъзамов уруш йилларининг ўрталарида фронтга отланди. Эсон-омон қайтгач эса Олмалиқ шаҳар соғлиқни сақлаш ташкилотчиси этиб тайинланди. Оилада 3 ўғил. Ота — Ўзбекистон биринчи чемпиони, устоз Азмиддин Хўжаевнинг шогирди. Болаларга ҳам шахмат ўргатарди. 50- йилларнинг охирига келиб, оилада тўрт авлод шахматчи етишди. Каттаси Вячеслав дебют назариясига қизиқса, ўртанча Валерийни курашнинг мантиқий жиҳатлари кўпроқ ром этар, кенжа Георгий эса 5 ёшиданоқ масалаю этюдларга ошуфта бўлди. Улар бирин-кетин шаҳар, вилоят, республика ва халқаро баҳсларда муваффақиятли дона сура бошлашди.

Бир воқеа эсимдан чиқмайди. 1966 йил бошида ўтказилган Олмалиқ биринчилигида 12 ёшли Георгийнинг катталар ўртасида шаҳар чемпиони бўлгани ва айни пайтда спорт усталигига номзод даражасини олиб, отасию акаларига етиб олиши мухлисларни бенихоя қувонтирганди. Ўша йилнинг ёзида шогирдлар билан машғулот ўтказарканман, ота-бола кириб келишди. Мақсад нима эканлигини пайқаб, шахмат тахтасини Георгийга рўбарў қилдим. Оқ доналарни мен томонга терганлигини кўриб, одобидан мамнун бўлдим. Баҳс бошланди. 10-12 юришдаёқ юзага келган вазият боланинг ўйини «бежо» эканидан далолат берарди. Биттадан рух ва бир неча пиёда қолди. Бир пиёдам ортиқ бўлса-да ютолмадим. Болакайнинг тажриба соҳибларидек ҳимоя чораларини топиши омади йўлларни пучга чиқарарди. Хулласи, ўзим дуранг таклиф қилдим. У эса ортиқча севиниб ҳам кетмади.

Ака -ука Аъзамовларнинг ижодий баркамолликка эришишида устоз Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишланган анъанавий турнир айниқса, катта аҳамият касб этди. Георгийнинг халқаро турнирларда жаҳон биринчилиги минтақа баҳсларида кўрсатган маҳорати ва натижалари улкан шахматчиларнинг юксак баҳосига сазовор бўлган.

Икки карра республика чемпиони, кўплаб халқаро турнирлар ғолиби, биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамовга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт ходими» унвони берилган эди.

1986 йил августининг охирлари. Севастополда ўтказилган йирик мусобақани муваффақиятли якунлаб юртига қайтишга тайёргарлик кўрарди. Хайҳот, кутилмаган фожиа Георгийни оламдан эрта кўз юмишига сабаб бўлди. 32 ёшига тўлишига бир неча кун қолганди. Матбуот саҳифаларида эса унинг минглаб муҳлислари меҳр тўла сатрлардан иборат мактублар эълон қилинди.

Қадам қўйган эдинг, шахмат тожининг
Курашгоҳи остонасига.
Отанг манглайига сиғмадинг,
Сиғмадинг ўзбекнинг пешонасига.
Қайта туғиларму ўғлон сенингдек,
Қанча юксак эди тилагинг.
Юраги ёрилиб кетган лочиндек,
Баландликдан ногоҳ қуладинг.

Бу сатрлар Ўзбекистон Қаҳрамони, севимли шоир, шахмат шайдоси, кўп йиллардан бери Республика шахмат федерацияси вице-президенти Эркин Воҳидовга тегишлидир. Зеро, Георгийнинг издошларига тақдир кулиб боқди. Истиқлол туфайли нақ саккиз нафар халқаро гроссмейстер етишиб чиқди. Ҳатто Аъзамов хотирасига бағишланган нуфузли халқаро турнирлар ўтказиш пайти ҳам келдиёв.

— Бунинг учун, — дейди ёш гроссмейстер Рустам Қосимжонов, — Тошкентда халқаро андозаларга мос шахмат кошонаси барпо қилмоғимиз лозим. Шахматчиларимизнинг халқаро майдонда эришаётган натижалари шуни тақозо этади.

Кекса шахматчи Георгий Борисенко Аъзамов ижодига тўхталиб, у яратган услуб ва тафаккур мўъжизалари ҳатто ёш госсмейстерлар учун ҳам бир мактабдир, деди. Шоир ва шахмат мухлиси Ҳусниддин Шарипов эса «Шахмат» шеърий достонидан парча ўқиди. Гроссмейстерлар Александр Ненашов билан Сайдали Йўлдошевнинг бир тахтада бир йўла ўйин сеанси ўтказиши ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ

Қалбаки долларлар

Ваколатли органларнинг берган маълумотларига қараганда, сўнгги пайтларда Қозоғистон Республикасининг турли шаҳарларида қалбаки АҚШ долларларини тарқатиш ҳоллари қайд этилмоқда.

Қалбаки долларлар бевосита Ўзбекистон билан чегарадош бўлган Жанубий Қозоғистон вилоятининг аҳоли пунктларида ҳам учраб турибди.

Шу боис бундай пулларнинг ноқонуний валюта олди-сотиси билан шуғулланувчи шахслар томонидан сотиб олиниши, кейинчалик республикамиз ҳудудида тарқатилиши эҳтимоли бор.

(ЎзА).

Ўт балосидан асрасин

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Қиш ойлари бошланиши билан ёнғин хавфсизлиги хизматчиларининг ҳам юмушлари ортади. Боиси, одамлар ўз уйларини иситишда андак хатоликларга йўл қўйиб, нохушликларнинг келиб чиқишига ўзлари билмаган ҳолда сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар йили анъанавий равишда мамлакатда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ташкил қилинмоқда.

Бу, бошқа фаслларда ёнғин чиқиш хавфи камроқ экан-да дегани эмас. Айтайлик, шу йилнинг 11 ойи мобайнида пойтахтимизда оз эмас, кўп эмас 1932 та ёнғин содир бўлди. Натижада 29 киши қурбон бўлди, 55 нафар киши турли даражада тан жароҳати олди. Ёнғин чиқиш сабабларини мисолларда айтадиган бўлсак, 25 март куни Миробод тумани, Қўнаев кўчаси, 27/4 уй, 44-хонадонда юз берган ёнғин ҳам ташвишли бўлди. Ёнғин чиқишига сабаб сигарета чекиш. Эътиборсизлик оқибатида бу хонадонда уй жиҳозлари ва бошқа нарсалар ёниб катта моддий зарар етди.

Албатта, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Зеро, ёнғин чиққандан кейин ташвишга тушгандан кўра, хавфсизлик чораси кўрилса, айни муддао бўларди. Хусусан, ёш болаларни уйда ёлғиз қолдирмаслик, уларни газ ва электр анжомлари билан муомалада бўлишларига йўл қўймаслик тақозо этилади. Айниқса, хусусий хонадонларда мустақил газ ва иситиш воситаларидан фойдаланишда эҳтиёт бўлиш керак. Иситиш печларининг қаттиқ қизиб кетишига йўл қўймаслик, унинг атрофини покиза сақлаш, ювилган кирларни газхоналарда қуритиш ярамайди. Шунингдек, уй-жойлар атрофларида ахлат ва хазонларни уюб қўйиш ҳам ўт чиқишига хавф туғдириши мумкин. Яна бир масала. Маълумки, йил охирида болакайлар учун катта қувонч — яшил арчани безатишдир. Албатта, бундай тадбирни амалга оширишда маълум қоидаларга риоя қилиш даркор. Аввало арча хонанинг ўрта қисмига ўрнатилиши, деворларга ва шифтга тегиб турмаслиги, унинг баргларига пахта ва тез ёнувчи ўйинчоқлар илинмаслиги керак. Ўйлаймизки, ана шундай хавфсизлик қоидаларига риоя этилса ёнғин чиқишининг олдини олиш йўлида саъй-ҳаракат қилган бўламиз. Кексалар айтганидек ҳаммамизни ҳам ўт балосидан Оллоҳнинг ўзи асрасин.

Даврон САЙДАЛИЕВ,
Миробод тумани 3-ҲЁСБ назоратчиси, ички хизмат лейтенанти

Тиббиёт муассасаларини қуриш дирекцияси

Тиббиёт муассасаларини 2000 йилда реконструкция этиш юзасидан Тендер савдоларини 1999 йил 23 декабрдан бошлаб қуйидаги манзилгохда ўтказади: 700084,

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Носиров кўчаси, 65-уй. Телефонлар: 34-10-69, 34-93-71.
Бош пудратчиларнинг офертлари 2000 йилнинг 30 январигача қабул қилинади.

ДОПОЛНЕНИЯ

к информационному сообщению об аукционных торгах, проводимым ТАШКЕНТСКИМ ГОРОДСКИМ МУНИЦИПАЛЬНЫМ БИРЖЕВЫМ ЦЕНТРОМ 24 ДЕКАБРЯ 1999 ГОДА, 14 И 28 ЯНВАРЯ 2000 ГОДА

На торги выставляются:

— автомобиль «ГАЗ-2411», гос№ 1343 ТНА, принадлежащий Чиланзарскому управлению по озеленению. Стартовая цена — 119820 сумов;

— производство АООТ «Янги хаёт каноп заводи», расположенное в Нижне-Чирчикском районе. Стартовая цена — 17802000 сумов.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти Марказий Кенгаш Мафкуравий ишлар бўлими мудири ўринбосари О. Тоировга ўғли **АНВАРЖОН**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси филология фанлари доктори Ғаффор Мўминовга онаси **ХОСИЯТ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгох)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгох)

Кимга